

# Давлат бошқарувида маҳаллий вакиллик органларининг маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларининг долзарб масалалари

Таджикулова Мухайё Шаробиддиновна<sup>1</sup>

**Аннотация:** мақолада давлат бошқарувида маҳаллий кенгашларнинг худудларни бошқаришда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатларининг аҳамияти, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ҳамда худудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда маҳаллий Кенгашларнинг иштирокининг долзарб масалалари, ушбу соҳада хориж тажрибаси ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** маъмурий ислоҳотлар, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон-2030» стратегияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ижро органлари, маҳаллий вакиллик органлари, маҳаллий Кенгашлар, маҳаллий Кенгаш котибияти, ҳоким, доимий комиссиялар, депутатлик гурухлари, депутат, ҳоким.

Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари натижасида Президентимиз таъкидлаганидек, «Инсон қадри учун!» тамойили давлат органлари фаолиятининг бош мезонига айланди.

Шу сабабли, худудларда аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш мақсадида ўрта ва узок муддатларга мўлжалланган ижтимоий-иктисодий тараққиёт параметрлари аниқланиб, ривожланиш стратегиялари белгилаб олинмоқда.

Давлат худудларда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш сиёсатини олиб бориши орқали минтақаларнинг ўзига хослиги, улардаги ижтимоий-иктисодий вазият ва уларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, минтақалараро интеграция масалалари, муаммоли минтақаларни қўллаб-куватлаш, ислоҳотларни айрим йўналишларини тўғридан-тўғри минтақаларга ўтказиш, турли минтақа ва худудларни ижтимоий-иктисодий ривожланиши ўртасидаги жиддий муаммоларни камайтириш ва тутатиш масалаларига алоҳида эътибор беради[1]. Бу эса, давлат бошқарувида марказлаштириш сиёсатидан воз кечиш зарурлигини, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан худудий органларга ўтказиш кераклигини кўрсатмоқда.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнлари энг аввало, маҳаллий Кенгашларнинг ижро этувчи ҳокимият идоралари фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва уларнинг худудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ўзаро муносабатларида акс этади. Бугунги кунда ушбу йўналишда қуйидагилар амалга оширилди:

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ давлат ҳокимиятини ҳалқка янада яқинлаштириш, ҳалқ ҳокимиятчилиги асосларини кучайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилди [2] ва 2024 йилги сайлов якунлари бўйича, дастлаб вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида, сўнгра 2026 йилдан эътиборан туман (шаҳар) Кенгашларида Кенгаш раислари ва ҳокимлар алоҳида алоҳида фаолият юритиши белгиланди;

Маҳаллий даражада давлат ҳокимиятини трансформация қилиш, том маънода ҳалқчил тизимни жорий этишга қаратилган муҳим сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 02 февраль куни “Маҳаллий давлат

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, стажёр-тадқиқотчи



ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони имзоланди [3];

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам «ковозига» айлантириш, худудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этиш вазифаси белгиланди [4];

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан халқ депутатлари Кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида уларга ўндан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди.

Прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солик, экология ва соғлиқни сақлаш органлари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди;

Ўзбекистон маҳаллий бошқаруви тарихида биринчи маротаба “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг янги модели амалиётга жорий этилди;

Маҳаллий Кенгашларнинг ўз фаолиятини давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда амалга ошириши мустаҳкамланди.

Ғ.Сапаевнинг фикрига кўра, маҳаллий вакиллик органлари ваколатларининг кенгайиши, нафақат улар фаолиятининг такомиллашувига, балки депутатларнинг сайловчилар олдидаги роли ва ишончининг ортишига хизмат қиласи. Чунки депутат бу халқ билан давлат ўртасидаги сиёсий кўпприк, у орқали сайловчиларнинг фикри, муносабати ва хоҳиш-истаклари намоён бўлади, қолаверса, фуқаролар ўз мурожаат ва муаммоларини сайлаган вакили орқали ҳал қилишни истайди, депутат эса, масалани ижро ҳокимлиги олдига кўндаланг қўйиши лозим [5].

Шу сабабли, маҳаллий Кенгашлар ўз фаолиятида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурларни, шунингдек аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат ва маҳаллий дастурлар ҳамда инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этилиши устидан самарали назорат ўрнатиш масалаларига етарли эътибор қаратиши лозим.

Вилоят, туман, шаҳар вакиллик органи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатларда тегишли Кенгаш томонидан давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Маълумки, маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияси қуйидаги усууллар билан амалга оширилади:

Ҳоким ва ўринbosарлари фаолияти тўғрисидаги, энг муҳим ва долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича, худудларни ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий бюджет маблағлариниг ижроси тўғрисидаги ҳисботларни эшитади;

Доимий комиссиялар, сиёсий партияларнинг депутатлар гурухлари ваколатлари доирасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларидан ҳисботлар ва маълумотлар талаб қилиш;

Маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ваколатларидан келиб чиқиб жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига, улар сўров ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг 10 кун ичida жавоб бериш мажбуриятини юкловчи сўровларни юбориш.

Г. Маликованинг фикрича, Халқ депутатлари Кенгашига юклатилган вазифаларни халқ депутатлари Кенгashi раиси бошчилигидаги депутатлар вакили бўлган доимий мутахассислар гуруҳисиз бажариш мумкин эмас [6].

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида”ги Қонунида ўз ваколатлари муддатига маҳаллий Кенгаш депутатлари орасидан тайинланадиган котиб бошчилик қилувчи халқ депутатлари Кенгashi котибияти доимий фаолият юритиши белгиланган [7].



Бироқ, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари котибиятларининг биргина кучи билан маҳаллий Кенгашлар вазифаларини тўлақонли бажаришининг имкони йўқ.

Шу сабабли маҳаллий Кенгашларда доимий комиссиялар раислари ва унинг аъзолари ўз фаолиятини доимий равишда амалга ошириши зарур ва ушбу қоида норматив – ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилиши керак. Доимий асосда ишлайдиган депутатлар йилига икки марта чакириладиган маҳаллий Кенгашлар сессиялари ўртасида фаолият юритадиган ва қарор қабул қиласидиган коллегиал орган бўлади [8].

М.Исабаев эса, доимий комиссиялар ўз фаолиятини доимий иш жойидан айрилмаган ҳолда жамоатчилик тарзда олиб бориши, нафакат вакиллик назоратини тўлиқ амалга ошмай қолишига, маҳаллий Кенгаш аъзоларининг депутатлик фаолияти меҳнат стажи сифатида эътиборга олинмаслигига, натижада уларнинг депутатлик фаолиятига бўлган қизиқиш ва ҳаракатга ундовчи омилларнинг камайишига олиб келяпти, деб таъкидлайди [9].

Хорижий давлатлар амалиётини кўрадиган бўлсак, Япония давлатида ҳам маҳаллий кенгашларда уч турдаги комиссиялар мавжуд. **Биринчиси**, доимий комиссиялар – булар тегишли худуд ахолиси сонидан келиб чиқиб, ижро органлари бўлимлари асосида тузилади. **Иккинчиси**, маъмурий комиссия – Кенгаш фаолиятини бошкариш, яъни сессия кун тартибини ишлаб чиқиш, уни чақириш, қарор лойиҳаларини экспертиза қилиш ва бошқа фаолият учун тузилади. Мазкур комиссия бир нечта бўлимни ўз ичига олади. Учинчиси, маҳсус комиссиялар бўлиб, маълум бир муаммони ўрганиш ёки муҳим масалани кўриб чиқиш учун қисқа муддатга тузилади [10].

Японияда Кенгашлари таркибига умумий, процессуал ва тадқиқот бўлимларини олувчи котибиятга эга. Масалан, Токио шаҳар Кенгashi котибиятида 130 нафар ходим фаолият олиб боради, лекин Кенгаш аъзоларининг сони 127 нафарни ташкил этади (Токио шаҳар Кенгashi депутатларининг ёрдамчиларидан ташқари).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Японияда депутатларнинг юқори даражада самарали фаолият олиб боришлари учун қулайлик ва имкониятларни берадиган профессионал маҳаллий Кенгаш ташкил қилинган.

Мамлакатимизда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадилар. Шунингдек, уларнинг кўпчилигини ижро ҳокимияти органи раҳбарлари ташкил этади. Бу эса, маҳаллий Кенгашларнинг ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилиш функциясининг самарали амалга ошириш имконини бермайди.

Японияда эса, маҳаллий Кенгаш аъзолари (депутатлари) ўз фаолиятлари миллий парламент палаталарининг аъзолари, бошқа маъмурий-худудий вакиллик органларининг аъзолари, давлат хизматчиси, маҳаллий ҳокимиятнинг шартнома асосидаги вақтингчалик ишчиси, судьялар ва таълим Кенгашининг аъзолари, шунингдек, маҳаллий ҳокимият билан шартнома тузган компания ва фирмаларда ҳам бирор лавозимни эгаллашларига йўл қўйилмайди [11].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида маҳаллий кенгашларнинг партия гурухлари алоҳида ўрин тутади. Партия гурухи сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манбаатларини маҳаллий кенгашда ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси ҳисобланади [12]. Партия гурухлари билан ҳудудий ижро этувчи органлар ўртасидаги муносабатлар вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига асосан тегишли маҳаллий кенгаш депутатлари бўлган партия гурухлари ҳар бири билан маслаҳатлашув асосида ҳокимлар тайинланишида намоён бўлади. Маҳаллий ижро ҳокимиятининг шаклланишида сиёсий партияларнинг иштирок этиши ижро ҳокимияти тузилмасига улкан масъулият юклайди. Қайд этиш жоизки, партия гурухларининг ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши дастурларини қабул қилишда ва уларнинг ижросини таъминлашдаги иштирокини ижобий деб, баҳолаб бўлмайди. Аксарият партия гурухлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари раҳбарларининг фаолияти юзасидан ҳисботини ёки ахборотини маҳаллий Кенгашнинг



сессияларида эшитиш ҳақида таклиф киритиш, сўров билан мурожаат қилиш, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқидан умуман фойдаланмаган [13]. Партия гурухлари ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда маҳаллий кенгашлар ваколатларидан самарали фойдаланишлари лозим.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам маҳаллий Кенгаш депутатларининг юқори даражада самарали фаолият олиб боришлари учун Япониядаги каби профессионал Кенгашни ташкил этиш, доимий комиссиялар ва партия гурухлари фаолиятини такомиллаштириш, Кенгаш назорати тасирчанлигини ошириш механизmlарини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилишда маҳаллий Кенгаш доимий комиссиялар ва партия гурухларининг иштирокини кенгайтириш келгусида мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилишда катта аҳамиятга эгадир.

#### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. М.Қутбидинова, Д.Матризаева. Янги Ўзбекистон: ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш стратегияси. [Электрон манба] <https://cyberleninka.ru>. Мурожаат санаси: 07.09.2024.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. -
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Фармони. <https://lex.uz/doc/6789350>
4. Мақсад – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида ташкил этиш. [Электрон манба] <https://senat.uz>. Мурожаат санаси: 02.06.2024.
5. F.Сапаев. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари. //Жамият ва бошқарув журнали. 2024, №1, 40-б.
6. Г.Маликова. Кенгashi народных депутатов: перезагрузка...[Электрон манба] <https://illp.uz>. Мурожаат санаси: 02.06.2024.
7. Қаранг. Ўша жойда.
8. Қаранг. Ўша жойда
9. М.Исабаев. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик опганлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг механизmlари: Монография. Н.: 2021, 61-б.
10. Д.Бекчанов. Маҳаллий давлат ҳокимияти: Япония тажрибаси ва Ўзбекистон. – Т.: “Академия”, 2015. 74, 75-б.
11. Ўша жойда.
12. А.Бабаджанов. Маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. // Review of law sciences. 2019, № 14-18.
13. А.Махмудов. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш: Юрид.фан. ...фал.докт. дисс. Афтореф. – Т.: 2019, 16-б.

